

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ

ТЎПЛАМИ

18-сон
(934)
2020 йил
11 май

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

188. «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 майдаги ПФ–5989-сон Фармони
189. «Транспорт соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 майдаги ПҚ–4703-сон қарори
190. «Республикада картошка етиштиришни кенгайтириш ва уруғчилигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 майдаги ПҚ–4704-сон қарори
191. «Экспорт фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 майдаги ПҚ–4707-сон қарори
192. «Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 майдаги ПҚ–4708-сон қарори

Бешинчи бўлим

193. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ички ишлар вазирлигининг 2020 йил 25 мартдаги 4, 9-2020, 21-сон «Ўзбекистон Республикасида автотранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан шуғулланувчи таълим муассасаларини битирган ҳайдовчиликка номзодларга бериладиган ягона намунадаги гувоҳномани бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 2 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1652-3*)
194. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 31 мартдаги 2020-11-сон «Солиқ тўловчиларини қўшилган қиймат солиғи тўловчилари сифатида махсус рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 2 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3232*)
195. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Молия вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 20 мартдаги 01-02/12-10, 14, 7, 3/2-сон «Темир йўл транспорти йўловчиларининг қўл юкини, бағажини, валютасини ва валюта бойликларини божхона назоратидан ўтказиш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 2 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3233*)
196. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Молия вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 20 мартдаги 01-02/12-11, 13, 8, 120-В-6-сон «Темир йўл транспортида юрۇвчи йўловчилар қўл юки, юки, валюта ва валюта қимматликларининг божхона назорати ва расмийлаштириш тартиби, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 2 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 619-6*)
197. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директорининг 2020 йил 27 апрелдаги 43-сон «Техник воситаларни ўлчаш воситалари ва синаш воситалари жумласига кириши мезонларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 7 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2829-1*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2020 йил 2 майдан 8 майгача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

188 Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида*

Коронавирус пандемияси билан боғлиқ жаҳон иқтисодий инқирозининг тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ривожлантиришдаги салбий таъсирини юмшатиш мақсадида:

1. Белгилансинки:

маҳаллий ишлаб чиқарилган базавий сифатдаги пахта толасининг бошланғич нархи Нью-Йорк товар биржасининг энг яқин етказиб бериш ойи учун фьючерс котировкаси қийматидан келиб чиққан ҳолда сотувчи томонидан белгиланади;

маҳаллий тўқимачилик корхоналарига биржа савдоларида 2020 йил 1 апрелга қадар миллий валютада сотилган пахта толаси учун якуний ҳисоб-китобларни амалга ошириш муддати 90 кундан 150 кунгача узайтирилади.

2. Иловага** мувофиқ импорт қилинадиган хом ашё ва материаллар 2022 йил 1 январга қадар божхона божи тўлашдан озод қилинсин.

3. Белгилансинки, 2020 йил 1 майдан 31 декабрга қадар қўшилган қиймат солиғини қайтаришнинг соддалаштирилган тартиби амал қилади, унга биноан калава ва толадан ташқари, экспорт қилинадиган тўқимачилик ва тикув-трикотаж товарлари (хизматлари) учун фойдаланилган, ҳақиқатда олинган товарлар (хизматлар) бўйича тўланиши лозим бўлган (тўланган) қўшилган қиймат солиғи тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхонасининг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги ҳисоб рақамига келиб тушган валюта тушуми суммасидан қатъи назар ҳисобга олинади ҳамда экспорт қилувчининг ўрнатилган тартибда бериладиган аризасига асосан қайтарилиши шарт.

Бунда, қўшилган қиймат солиғининг қайтарилган суммаси ёки унинг бир қисми товарлар экспорт божхона режими остида чиқарилган кундан эътиборан бир юз саксон календарь куни ичида валюта тушуми ёки унинг бир қисми экспорт қилувчининг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги ҳисоб рақамига келиб тушмаган тақдирда, шунингдек, аризада қайтарилиши кўрсатилган қўшилган қиймат солиғи суммаси асослантирилганлигини камерал солиқ текширувидан ўтказиш давомида аниқланган ғайриқо-

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 6 майда эълон қилинган.

** Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

нуний ҳисобга олинган қўшилган қиймат солиғи суммаси 5 кун ичида пеня ҳисобланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига қайтарилиши шарт.

Қўшилган қиймат солиғини қайтаришнинг мазкур банд билан белгиланган соддалаштирилган тартиби тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналарига улар томонидан охириги 12 ой давомида товарлар экспорти амалга оширилган, шунингдек, экспорт қилинган товарлар бўйича 10 минг АҚШ долларидан кўп миқдорда муддати ўтган дебитор қарздорлик мавжуд бўлмаган тақдирда татбиқ этилади. Бунда, товарлар экспорт божхона режими остида чиқарилган кундан эътиборан бир юз саксон календарь кун ичида валюта тушуми экспорт қилувчининг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги ҳисоб рақамига келиб тушмаган тақдирда, дебитор қарздорлик муддати ўтган деб ҳисобланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда қуйидагилар бўйича идоралараро ишчи гуруҳлари таркибини тасдиқласин:

тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналарининг хом ашёлари, материаллари, тайёр маҳсулотлари, шунингдек, ишлаб чиқариш ходимларини ташиш ва логистика масалаларини тезкор ҳал этиш — транспорт вазири Э. Ганиев бошчилигида;

ишлаб чиқарилаётган тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари таннархини пасайтириш ҳамда рақобатбардошлигини ошириш бўйича чоратадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш — молия вазири Т. Ишметов ва Давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари М. Мирзаев бошчилигида;

янги истиқболли ташқи бозорларни излаш, маҳаллий тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари экспортини рағбатлантириш — инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари А. Воитов бошчилигида;

либослар дизайни ва коллекцияларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни тармоқ корхоналарига жорий қилиш — «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси раиси И. Хайдаров бошчилигида.

5. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси:

бир ой муддатда тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотларини етказиб бериш бўйича экспорт шартномаларини глобал карантин чекловлари шароитида бажариш истиқболлари нуқтаи назаридан батафсил ўргансин ва истиқболсиз экспорт шартномалари ўрнига, биринчи навбатда, карантин чора-тадбирлари юмшатилаётган давлатлардаги ҳамкорлар билан янги шартномалар тузишга ҳар томонлама ёрдам кўрсатсин;

икки ой муддатда экспортга йўналтирилган тайёр тикув-трикотаж маҳсулотларига ихтисослашган жаҳон брендлари вакиллари билан ушбу маҳсулотларни Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва тайёр маҳсулотларни, шу жумладан республиканинг ишлаб турган корхоналари қувватларида тикиш бўйича йирик буюртмаларни шакллантириш юзасидан музокаралар ўтказсин;

«Ўзстандарт» агентлиги билан биргаликда халқаро ташкилотлар кўмагида АҚШ ва Европада тан олинган замонавий халқаро сертификатлар тармоқ корхоналари томонидан ҳар йили тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича олинишини таъминласин;

Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда Европа Иттифоқи, Туркия, Корея, Ҳиндистон ва бошқа давлатлардан тикув-трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш соҳасидаги етакчи экспертларни мазкур соҳани ислоҳ қилиш бўйича маслаҳатчилар сифатида Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги маблағлари ҳисобидан жалб қилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси ва тижорат банклари билан биргаликда:

йирик тўқимачилик саноати корхоналари фаолиятини уларнинг молиявий барқарорлиги нуқтаи назаридан стресс-тестдан ўтказсин;

стресс-тест натижаларига кўра тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналарининг унумдорлиги, молиявий самарадорлиги ва рақобатбардошлигини ошириш бўйича таклифларни ҳамда маҳаллий тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати рақобатбардошлигини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда тармоқни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан келишилган ҳолда икки ой муддатда инфратузилма мажмуасини (сертификатлаш, стандартлаштириш, логистика ва бошқалар) яратишни ҳисобга олган ҳолда йирик ҳудудий тўқимачилик-тикувчилик кластерларида тайёр тикув-трикотаж маҳсулотлари чиқариш бўйича экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришларни жойлаштириш ва уларни ривожлантириш юзасидан таклифларни киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2020 йил 1 сентябрга қадар жаҳон брендларини жалб қилган ҳолда ташқи бозорларда талаб катта бўлган юқори қўшилган қийматга эга тайёр тикув-трикотаж маҳсулотлари ва ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш, шу жумладан уларни йирик ҳудудий тўқимачилик-тикувчилик кластерлари ҳудудида жойлаштириш бўйича 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган инвестиция лойиҳаларининг тасдиқланишини таъминласин.

Бунда ҳар бир янги тикувчилик-тўқимачилик ишлаб чиқариши, қоида тариқасида, машҳур халқаро брендлар маҳсулотларини реализация қилиш ва камида мингта иш ўринини ташкил этишга мўлжалланган бўлиши лозим.

8. Белгилансинки:

а) 2020 — 2025 йилларда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари, шунингдек, тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналарини айланма маблағлар билан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг 300 млн АҚШ доллари миқдоридаги кредит линиялари маблағлари, тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати учун очилган тижорат банклари кредитлари, халқаро молия институтлари қарз маблағла-

ри ва хорижий банклар кредит линиялари ҳисобига, шу жумладан қуйидагилар орқали молиялаштирилади:

янги инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш;

икки-уч сменали иш режимидаги ишлаб чиқариш, энг аввало, тайёр тикув-трикотаж маҳсулотларини тикиш фаолияти учун револьвер кредитлар тақдим этиш;

мустаҳкам экспорт шартномаларига эга бўлган тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналарини экспортолди молиялаштириш ҳажмларини кенгайтириш;

б) Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали пахта ип-кала-васи ва трикотаж матони олиб чиқишда 2021 йил 1 январдан бошлаб олиб чиқиладиган ҳар бир килограмм ип-калава учун 0,01 АҚШ доллари, 2022 йил 1 январдан олиб чиқиладиган ҳар бир килограмм ип-калава ва трикотаж мато учун 0,05 АҚШ доллари, 2023 йил 1 январдан — 0,1 АҚШ доллари, 2025 йил 1 январдан — 0,2 АҚШ доллари миқдорида йиғим ундирилади.

9. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат захираларини бошқариш қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда маҳаллий корхоналардан 2020 йилда харид қилинадиган қуйидаги қўшимча ҳажмлар сотиб олинишини таъминласин:

қариялар уйлариغا етказиб бериш учун кийимлар ва пойабзаллар комплектлари, шунингдек, ёлғиз ва кам таъминланган қариялар учун кишки кийимлар ва пойабзаллар комплектлари;

Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизими ходимлари ва ҳарбий хизматчилари учун формали кийимлар ва пойабзаллар комплектлари;

Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги муассасалари, касалхоналар, болалар боғчалари, қариялар уйлари учун чойшаблар, тўшаклар, ёстиқлар, ўрин ёпинғичлари ва бошқа тўқимачилик маҳсулотлари комплектлари;

давлат захираси номенклатураси бўйича тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати маҳсулотлари.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги:

икки ҳафта муддатда ўз марказий аппаратлари тузилмасида белгиланган штат бирликлари доирасида тўқимачилик саноати масалалари бўйича тузилмаларни ташкил этсин;

бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг бутун даври (пахтани етиштиришдан бошлаб тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача) бўйича қўшилган қиймат занжири шаклланишини батафсил таҳлил қилиш асосида маҳаллий тайёр маҳсулотларнинг экспорт бозорларида (шу жумладан, Европа Иттифоқи, Осиё мамлакатлари ва АҚШда) рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналарининг нарх шакллантириш механизмларини тако-

миллаштириш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 5 май,
ПФ-5989-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

189 **Транспорт соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Республика транспорт соҳаси учун юқори малакали кадрларни тайёрлаш тизимини илғор хорижий тажриба ва халқаро стандартлар асосида тубдан такомиллаштириш, ўқув жараёнига ўқитишнинг инновацион шакл ва методлари ҳамда замонавий педагогик ва ахборот технологияларини кенг жорий этиш, шунингдек, тармоқ таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва илмий салоҳиятини янада ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг Тошкент темир йўл мухандислари институти, Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти ҳамда Тошкент давлат техника университетининг авиакосмик технологиялари факультети негизида Тошкент давлат транспорт университетини (кейинги ўринларда — Университет) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 5 майда эълон қилинган.

2. Белгилаб қўйилсинки, Университет:

транспорт соҳаси учун олий маълумотли мутахассислар ва илмий кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича таянч олий таълим муассасаси ҳисобланади;

илғор халқаро таълим стандартлари ҳамда ўқув дастурларига мувофик 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб таълимнинг кредит-модуль тизимини босқичма-босқич жорий этади;

Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти ҳамда Тошкент темир йўл муҳандислари институтининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда Тошкент давлат техника университети-нинг авиакосмик технологиялари факультетига оид ҳуқуқ ва мажбуриятлар бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигига идоравий жиҳатдан бўйсунди.

Университет ҳамда Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти ҳузуридаги Белоруссия давлат техника университети билан биргаликда ташкил этилган қўшма Ўзбекистон-Белоруссия факультети Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Адилходжаев кўчаси, 1-уй манзили бўйича текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

3. Қуйидагилар Университетнинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари этиб белгилансин:

транспорт соҳаси эҳтиёжларидан келиб чиқиб, меҳнат бозоридаги рақобатбардош олий маълумотли мутахассислар ва илмий-педагогик кадрларни, шунингдек, оммавий касб мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

транспорт соҳасини ривожлантиришнинг долзарб масалалари бўйича фундаментал, амалий ва инновацион изланиш ва тадқиқотлар олиб бориш, уларнинг натижаларини, шу жумладан рақамли ва бошқа замонавий технологияларни кенг жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

қўшма таълим дастурлари ва илмий лойиҳаларни амалга ошириш, Университет профессор-ўқитувчиларининг малакасини оширишни ҳамда битирувчиларни чет элда магистратура ва докторантура дастурлари бўйича тахсил олишларини ташкил этиш мақсадида етакчи хорижий олий таълим ва илмий муассасалар билан ҳамкорликни ривожлантириш;

транспорт соҳаси учун кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини яратиш, тизимдаги академик лицей ҳамда соҳанинг профессионал таълим муассасалари таълим дастурларининг узлуксизлиги ва узвийлигини таъминлаш;

ўқув жараёнида назарий тайёргарликнинг амалиёт билан узвий боғлиқлигини таъминлаш мақсадида транспорт соҳасидаги ташкилотлар билан биргаликда талабаларнинг амалиётларини тегишли соҳа ташкилотларида ташкил этиш, битирувчиларни иш билан таъминлаш бўйича мақсадли ҳамкорликни йўлга қўйиш.

4. Белгилансинки, Университетда ўқув жараёни 2020/2021 ўқув йилидан бошланади ҳамда талабаларни қабул қилиш сони ҳар йили тас-

диқланадиган республика олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрларидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

5. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги икки ой муддатда Университетни стратегик ривожлантириш масалалари бўйича ректорнинг биринчи ўринбосари лавозимига малакали хорижий мутахассис тайинлашини таъминласин.

6. Қўйидагилар:

2020 — 2023 йилларда Тошкент давлат транспорт университетида кадрлар тайёрлаш тизимини ташкил этиш ҳамда илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари дастури 1-иловага* мувофиқ;

Тошкент давлат транспорт университетида оператив бошқарув ҳуқуқи асосида текин бериладиган ҳамда тегишли коммунал ва фойдаланиш харажатларини қоплаган ҳолда «ноль» ставкадаги ижара тўлови асосида бериладиган объектлар рўйхати 2 ва 3-иловаларга* мувофиқ;

Тошкент темир йўл муҳандислари институтидан Тошкент давлат техника университетида кўчириладиган таълим йўналишлари рўйхати 4-иловага* мувофиқ;

Тошкент давлат транспорт университетининг Васийлик кенгаши таркиби 5-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

7. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Меҳржон кўчаси, 12-уйда жойлашган Ёшлар марказининг биноси (собик Тошкент темир йўл муҳандислари институти қошидаги 2-сон академик лицей) Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида текин берилсин.

8. Университет Васийлик кенгашининг асосий вазифалари этиб қўйидагилар белгилансин:

Университетнинг моддий-техника базасини ривожлантириш ва самарали фаолиятини таъминлаш учун молиявий ёрдам ташкил этиш, бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш;

битирувчиларнинг касбий тайёргарлигини ошириш ва иш билан таъминлаш бўйича кадрлар буюртмачилари билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш;

таълим ва илм соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва амалга оширишда кўмаклашиш;

олий таълимни ривожлантиришга қаратилган янги шакл ва дастурларни қўллаб-қувватлаш ва илмий-тадқиқот ишлари натижаларини амалиётга жорий этишни ривожлантириш;

биноларни қуриш-таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини амалга ошириш учун зарур молиявий маблағлар жалб этилишини, замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари, компьютер ва бошқа ташкилий техника, кутубхона фонди билан жиҳозланишини таъминлаш.

9. Университетга қўйидаги ҳуқуқлар берилсин:

* 1 — 5-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Транспорт вазирлиги билан келишилган ҳолда таълим йўналишларига ўзгартириш киритиш;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда, ўқув режалари ва дастурларини, битирувчиларга қўйиладиган малака талабларини ўқув жараёнининг транспорт соҳасини ривожлантириш бўйича устувор йўналишлар билан узлуксиз боғлиқлиги таъминланишини ҳисобга олган ҳолда, мустақил ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

кредит-модуль тизимини ўқув жараёнига жорий этиш борасида профессор-ўқитувчилар ўқув юкламасини мустақил меъёрлаштириш, шунингдек, педагог ходимлар томонидан ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ишлари, «устоз-шогирд» тизими бўйича ишларнинг бажарилишини рағбатлантириб бориш;

Университет профессор-ўқитувчиларининг Scopus ва Web of Science каби маълумотлар базасига кирган халқаро илмий журналларда илмий мақолалар чоп этиш сарф-харажатларини молиялаштириш;

Университет фаолияти йўналишлари бўйича маслаҳат ва эксперт-таҳлилий хизматларни шартнома асосида кўрсатиш, шунингдек, Васийлик кенгаши билан келишилган ҳолда тақдим этиладиган хизматларни самарали амалга ошириш мақсадида илмий-тадқиқот ва инновацион хизматлар тузилмаларини шакллантириш;

бакалаврият, магистратура ва докторантура йўналишлари бўйича етакчи хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликдаги қўшма таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлашни ташкил этиш;

иш берувчилар талабларини инобатга олган ҳолда ўқув режаларидаги назарий таълим улушини қисқартириш ҳисобига амалий машғулотлар ҳажмини ошириш, ҳафтада бир кунлик амалиёт тажрибасини қўллаш;

хорижий мутахассисларни консультант, маслаҳатчи ва ўқитувчилар сифатида жалб қилиш ва уларга меҳнат бозорининг амалдаги конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ойлик маош ҳамда бошқа тўловларни белгилаш ва тўлаш;

Университетда беш йил давомида ишлаб бериш шarti билан иқтидорли талабалар ва етакчи профессор-ўқитувчиларнинг хорижий олий таълим муассасаларида ўқиши ва стажировка ўташи билан боғлиқ харажатларни Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қоплаш;

Университет ҳудудида жойлашган бино ва иншоотларни ижарага бериш ва ундан тушадиган маблағларни электрон савдо майдончаси операторига тўланган тўлов чегирилгандан кейин Университетнинг бюджетдан ташқари жамғармасига тўлиқ йўналтириш.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Тошкент темир йўл муҳандислари институтидан Тошкент давлат техника университетига қўчирилаётган 4-иловадаги таълим йўналишлари бўйича таҳсил олаётган талабаларнинг ўқиши Университет ёки Тошкент давлат техника университети-

нинг мос ёхуд турдош таълим йўналишларига 2019/2020 ўқув йили якунлангандан сўнг белгиланган тартибда кўчирилишини таъминласин.

11. Қуйидагилар Университет фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

а) жорий сақлаш билан боғлиқ қисми бўйича:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар;

хўжалик фаолияти ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушган тушумлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

халқаро молия ташкилотларининг грантлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар;

б) қурилиш ишлари қисми бўйича ҳар йилги Инвестиция дастурида белгиланган тартибда йўналтириладиган маблағлар.

12. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг Университет жойлашган ҳудудда 2020 — 2022 йилларда янги ўқув биноси, талабалар турар жойи ва ахборот-ресурс маркази биноларини (кейинги ўринларда — Университет бинолари) қуриш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда:

а) жорий йилда Университет бинолари лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қуриш ишларини бошлаш учун:

2020 йилги Инвестиция дастури доирасида Тошкент автомобиль йўллари лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти учун назарда тутилган маблағлар институтда жорий йилнинг 1 январь ҳолатига кўра бажарилган қурилиш-таъмирлаш ишлари бўйича якуний ҳисоб-китоблар амалга оширилгандан сўнг йўналтирилишини таъминласин;

қўшимча талаб этиладиган маблағлар бўйича 2020 йилги Инвестиция дастури доирасида марказлашган капитал қўйилмаларнинг иқтисод қилинган қисмини қайта тақсимлаш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф қиритсин;

б) 2021 йил ва келгуси йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурини шакллантиришда ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан Университет биноларини қуриш ишлари учун марказлашган капитал қўйилмалар лимитлари ажратилишини таъминласин.

13. Университет биноларини қуриш ишлари бўйича:

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси — буюртмачи этиб белгилансин;

бош лойиҳачи ва бош пудратчи ташкилотлар қонунчиликда белгиланган тартибда тендер (танлов) савдолари орқали аниқлансин.

14. Белгилаб қўйилсинки, Университет фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириш 2020 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Транспорт вазирлигига ажратиладиган маблағлар доирасида, 2021 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади.

15. Тошкент темир йўл муҳандислари институти ҳамда Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институтининг академик лицейлари негизида Тошкент давлат транспорт университетининг академик лицейи ташкил этилсин.

Белгилансинки, Академик лицей:

Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Гулистон мавзеси, 21а-уй манзилида текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилади;

фаолияти Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилади.

16. Келгусида меҳнат фаолияти хусусиятлари ва ўқув амалиёти, транспорт воситаси ҳаракати ҳамда инсонлар ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган таълим йўналишлари бўйича Университетга ўқишга ҳужжат топширишдан олдин абитуриент ва талабаларни темир йўл транспорти йўналиши бўйича «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг ҳудудлардаги темир йўл поликлиникаларида ташкил этилган ихтисослаштирилган тиббиёт комиссиясида, шунингдек, ҳаводаги ҳаракатни бошқариш йўналиши бўйича «Uzbekistan Airports» акциядорлик жамияти тиббий-санитария бўлимининг врачлик-учувчилик эксперт комиссиясида кўрикдан ўтказиш тартиби сақлаб қолинсин.

17. Университет ходимларининг ташаббускорлиги ва моддий манфаатдорлигини ошириш мақсадида Университетда юридик шахс мақомига эга бўлмаган бюджетдан ташқари жамғарма (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этилсин.

18. Белгилансинки:

а) Жамғарма маблағлари тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ва Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитасининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда «Ўзбекистон темир йўллари», «Uzbekistan Airways» ва «Uzbekistan Airports» акциядорлик жамиятларининг ҳомийлик хайриялари ҳисобидан шакллантирилади;

б) Жамғарма маблағлари Университет профессор-ўқитувчилари, шу жумладан ўриндошлик асосида ишловчи профессор-ўқитувчилари, бошқарув, илмий, ўқув-ёрдамчи, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларига уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш фондининг 200 фоизигача миқдорида ҳар ойлик устамаларни тўлашга йўналтирилади;

в) Жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби, шу жумладан ҳар ойлик устамаларни белгилаш мезонлари Васийлик кенгаши билан келишилган ҳолда Университет ректори томонидан белгиланади;

г) Университетнинг бошқарув, профессор-ўқитувчилари, илмий, ўқув-ёрдамчи, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан кўп йиллик меҳнати учун рағбатлантириш

коэффициентини ҳисобга олган ҳолда, лавозим маошига белгиланган коэффициентларда қуйидаги ҳажмларда ҳар ойда қўшимча пул тўланади:

3 йилдан 5 йилгача — 0,15;

5 йилдан 10 йилгача — 0,2;

10 йилдан 15 йилгача — 0,3;

15 йилдан ортиқ — 0,4.

19. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

20. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов ва Ўзбекистон Республикаси транспорт вазири Э.М. Ганиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 4 май,
ПҚ-4703-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

190 Республикада картошка етиштиришни кенгайтириш ва уруғчилигини янада ривожлантириш чора-тадбир- лари тўғрисида*

Республикада истеъмол ва уруғлик картошка етиштиришни ошириш, картошкачилик соҳасида кластер ва кооперация механизмларини кенгайтириш ҳамда замонавий технологияларни жорий этишни давлат томонидан янада қўллаб-қувватлаш, шунингдек, картошкага бўлган ички бозор талабини тўлиқ қондириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Картошка етиштирувчилар уюшмасининг картошкачиликка ихтисослаштири-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 7 майда эълон қилинган.

ладиган туманларда картошкачилик кластерлари ва кооперацияларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Қуйидагилар картошкачилик кластерлари ва кооперациялари фаолиятининг асосий йўналишлари эканлиги маълумот учун қабул қилинсин:

инновацион ва ресурс тежамкор технологиялар асосида яхлит майдонларда истеъмол ва уруғлик картошка етиштириш ҳамда соҳада қўшилган қиймат занжирини яратиш;

уруғлик картошканинг супер элита ва элита авлодларини етиштиришни кенгайтириш, уруғликлар тайёрлаш ҳамда замонавий картошка плантацияларини барпо этиш;

истеъмол ва уруғлик картошкага бўлган ички бозор талабини қондириш, шунингдек, унинг экспортини кенгайтириш;

картошка экиш учун мўлжалланган экин майдонининг камида 50 фоизда уруғлик картошканинг супер элита ва (ёки) элита авлодларини етиштиришни йўлга қўйиш;

уруғлик картошкани сақлаш, саралаш, етказиб бериш ва қайта ишлашни йўлга қўйиш;

картошкачилик соҳасига илғор технологиялар, инновацион ечимлар (ноу-хау) ва илм-фан ютуқларини жорий этиш.

2. Қуйидагилар:

Истеъмол ва уруғлик картошка, жумладан, унинг супер элита, элита авлодларини етиштиришга ихтисослаштириладиган туманлар ҳамда ҳудудлар рўйхати 1 ва 1а-иловаларга* мувофиқ;

2020-2021 йилларнинг қиш-баҳор мавсумида аҳолини ва ижтимоий соҳа муассасалари эҳтиёжларини кафолатли таъминлаш мақсадида истеъмол картошкасини захирага жамғариш ҳажмлари 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў.И. Барноевга, зарур ҳолларда, ушбу бандда назарда тутилган иловаларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳукуқи берилсин.

3. 2020 йил 1 майдан бошлаб картошка етиштирувчи фермер хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги корхоналари, шунингдек, картошкачилик кластерлари ва кооперацияларининг уруғлик картошка харид қилиш харажатларини молиялаштириш учун уларга 12 ой муддатгача тижорат кредитлари ажратилади. Бунда:

миллий валютада ажратиладиган тижорат кредитлари бўйича фоиз ставкасининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий ставкасидан ошадиган, лекин 10 фоиз пунктдан кўп бўлмаган қисми;

хорижий валютада ажратиладиган кредитлар бўйича фоиз ставкасининг 30 фоизгача, лекин 3 фоиз пунктдан кўп бўлмаган қисми Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Қорақалпо-

* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

гистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ва Картошка етиштирувчилар уюшмаси билан биргаликда ҳар йили 1 декабрга қадар кластер ва кооперациялар таклифлари ҳамда истеъмол меъёрлари асосида келгуси йил учун картошка экин майдонлари ва ялпи ҳосили прогноз кўрсаткичларини, шунингдек, уруғлик картошкага йиллик талабни ва унинг етишмайдиган миқдорини аниқлайди;

б) 2023 йил 1 июлгача бўлган муддатга четдан олиб кириладиган уруғлик картошка божхона божидан озод этилади. Бунда имтиёзлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекциясининг карантин кўрик далолатномаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг мувофиқлик сертификати асосида берилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2020 йил 1 августга қадар ресурс солиқларини такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг норматив қийматини аниқлаш, шунингдек, сув тежовчи технологияларни, шу жумладан ёмғирлатиб суғориш тизими жорий қилинган ерларни 2021 йил 1 январдан ер солиғидан озод қилишни назарда тутувчи «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги 2020 йилнинг 1 июлига қадар ахборот технологияларини жорий этган ҳолда фойдаланилган сув ресурслари ҳисобини юритиш, уларнинг ҳажмини аниқлаш тартибини, шунингдек, қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш учун фойдаланиладиган сув ресурслари меъёрини қайта кўриб чиқиб, тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтига:

истеъмол ва уруғлик картошка етиштиришнинг илмий назарий асосларини такомиллаштириш, картошка уруғликларини тайёрлаш ва илғор агротехнологияларни қўллаш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш;

истеъмол ва уруғлик картошканинг янги ҳамда серҳосил, навлари коллекциясини яратиш, илмий ишланмаларни амалиётга жорий этиш;

халқаро молия институтлари, хорижий донорлар грантлари ҳамда хусусий ташаббускорлар маблағлари ҳисобидан уруғлик картошканинг супер элита ва элита авлодларини етиштириш, замонавий картошка плантацияларини барпо этиш, «in vitro» лабораторияси ташкил этиш, уруғликлар тайёрлаш ва картошка етиштирувчиларга етказиб бериш;

сабзавот ва полиз экинларининг юқори ҳосилдор, қурғоқчиликка, шўрга ва касалликларга чидамли, мева сифати юқори бўлган навлари ва дурагайлари яратиш ва уларнинг бирламчи уруғчилигини ташкил этиш, шунингдек, ноанъанавий сабзавот экинларини интродукция қилиш ишларини олиб бориш;

истеъмол ва уруғлик картошка етиштиришда илғор агротехнологияларни қўллаш ҳамда картошка плантацияларини ташкил этиш бўйича тавсия-

ларни ишлаб чиқиш ҳамда маҳсулот етиштирувчиларга етказиш вазифалари юклатилсин.

Институтга юқоридаги вазифаларни хусусий ташаббускорлар иштирокида амалга ошириш ҳуқуқи берилади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги билан биргаликда 2020 йил 1 декабрга қадар Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтига мазкур қарорда юклатилган вазифаларни амалга ошириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда «in vitro» лабораторияси фаолиятини ташкил этиш учун грант маблағларини жалб қилиш чораларини кўрсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Фанлар академиясининг Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Илмий изланишлар ва инновацион ишланмаларни молиявий қўллаб-қувватлаш, картошка навлари селекцияси ва уруғчилигини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Белгилаб қўйилсинки:

а) қуйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар; институт тизимидаги тажриба хўжалиги ва илмий-тажриба станцияларининг хўжалик фаолиятидан олинган соф фойданинг 20 фоизи миқдоридаги ажратмалари;

халқаро молия институтлари ва бошқа хорижий донорлар грантлари; қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар;

б) Жамғарма маблағлари қуйидаги мақсадлар учун сарфланади:

сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик соҳасидаги илмий изланишлар ва инновацион ишланмаларни молиялаштириш учун грантлар ажратиш;

картошка навлари селекцияси ва уруғчилигини йўлга қўйиш бўйича тажриба-синов ва бошқа лойиҳаларни молиялаштириш;

сабзавот, полиз экинлари ва картошканинг яратилган навлари муаллифларини рағбатлантириш.

8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда:

Илмий изланишлар ва инновацион ишланмаларни молиявий қўллаб-қувватлаш, картошка навлари селекцияси ва уруғчилигини ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги;

Сабзавот, полиз экинлари ва картошканинг яратилган навлари муаллифларини рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқласин;

9. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ва Тошкент вилояти ҳокимлигининг:

Фанлар академияси Биоорганик кимё институти тасарруфидаги, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, «Сойлиқ» МФЙ ҳудудида жойлашган 17,2 гектар ер майдонини картошканинг маҳаллий навлари бирламчи уруғчилигини йўлга қўйиш мақсадида Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти тасарруфига ўтказиш;

Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги «Бурчмулло» давлат ўрмон хўжалигининг «Писком» массиви ҳудудидаги бўш турган ер майдонларида юқори авлодли уруғлик картошка етиштиришни йўлга қўйиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги масъул вазирлик ва идоралар билан биргаликда ушбу бандда назарда тутилган тадбирларни амалга оширишни ташкил этсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:

Фанлар академияси, Тошкент, Самарқанд, Наманган ва Қашқадарё вилоятлари ҳокимликлари, Картошка етиштирувчилар уюшмаси билан биргаликда 2020 йил 1 ноябрга қадар маҳаллий инвесторлар маблағлари ҳамда халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг соҳага жалб қилинган кредит маблағлари ҳамда грантлари ҳисобидан ҳудудларда «in vitro» лабораторияларини ташкил этиш чораларини кўрсин;

Уруғчиликни ривожлантириш маркази, Картошка етиштирувчилар уюшмаси билан биргаликда уруғчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарининг уруғлик майдонларини сифатли синовдан ўтказиш чораларини кўрсин.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Картошка етиштирувчилар уюшмаси билан биргаликда:

такрорий майдонларга экиш учун етишмайдиган уруғлик картошка ўз вақтида импорт қилинишини ва тўлиқ экилишини таъминласин;

истеъмол ва уруғлик картошка етиштиришни кўпайтириш, шунингдек уруғлик картошкани фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарига ўз вақтида етказиб бериш ишларини тизимли ташкил этсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги:

а) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, «Ўзбекизқ-овқатзахира» уюшмаси, Картошка етиштирувчилар уюшмаси билан биргаликда жорий йилнинг 1 сентябрга қадар:

истеъмол ва уруғлик картошкани давлат захирасига харид қилиш ҳамда ушбу тадбирларни молиялаштириш тизимини жорий этиш;

картошка сақланадиган омборхоналарни хатловдан ўтказиб, аҳолининг қиш-баҳор мавсумида картошка истеъмоли ва сақланадиган уруғлик ҳаж-

мидан келиб чиққан ҳолда, қўшимча омборхоналар ташкил этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

б) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва «Ўзагротехсаноатхолдинг» акциядорлик жамияти билан биргаликда бир ой муддатда илғор хорижий тажриба асосида картошкачиликда фойдаланиладиган махсус техникалар, жумладан, картошкани экиш, йиғиб-териш олиш ва саралаш техникалари ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги:

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ташки ишлар вазирлиги, Картошка етиштирувчилар уюшмаси билан биргаликда Халқаро картошкачилик маркази (CIP) билан ҳамкорликни йўлга қўйиш чораларини кўрсин;

илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида картошканинг турли стресс омилларга чидамли эрта, ўрта ва кечпишар маҳаллий навларини яратиш, картошка селекцияси ҳамда уни етиштириш технологиясига оид илмий-тадқиқот лойиҳалари танловини ташкил этсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси:

четдан олиб кириладиган уруғлик картошка учун бериладиган кўрик далолатномасини тақдим этишни тезлаштириш чораларини кўрсин;

четдан олиб кириладиган уруғлик картошканинг сифати, ҳудудларда уруғлик картошканинг фитосанитар тоза ҳолда ва карантин объектларидан холи етиштирилиши устидан доимий назорат ўрнатсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси:

четдан олиб кириладиган уруғлик картошка учун бериладиган мувофиқлик сертификатинининг берилишини тезлаштириш чораларини кўрсин;

уруғлик картошка етиштириш, ундан мақсадли ва оқилона фойдаланиш, уруғлик картошканинг сифатли сақланишини таъминлаш ва нобуд бўлишининг олдини олиш;

уруғлик учун картошка экилган майдонларда синовларни белгиланган талаблар асосида ўтказилиши, шунингдек, жойларда мувофиқлик сертификати мавжуд бўлган уруғлик картошка экилиши устидан тизимли назорат ўрнатсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў.И. Барноев:

ўн кун муддатда 2020 йил ҳосили учун ғалладан бўшайдиган майдонларга экиш мақсадида импорт қилинадиган уруғлик картошка ҳажмини ва ҳудудлар кесимидаги тақсмотини тасдиқласин;

фаолият юритаётган ва янги ташкил этиладиган картошкачилик клас-терлари ва кооперациялари томонидан картошка экиш учун мўлжалланган экин майдонининг камида 50 фоизда картошканинг супер элита ва (ёки) элита ва авлод уруғларини етиштиришнинг йўлга қўйилишини таъминласин;

мазкур қарорда назарда тутилган чора-тадбирларнинг амалга оширили-

шини тизимли назорат қилиш, картошкачилик кластерлари ва кооперацияларини ўз вақтида ташкил этилишини таъминлаш, истеъмол ва уруғлик картошкага бўлган ички бозор талабини қондириш билан боғлиқ ишларни самарали ташкил этсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

18. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ў.И. Барноев ва Ж.А. Қўчқоров зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 6 май,
ПҚ-4704-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

191 Экспорт фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш чоратадбирлари тўғрисида*

Сўнгги йилларда тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга доимий эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузурида Экспортни рағбатлантириш агентлиги ташкил этилиб, экспорт ҳажмини ошириш учун экспорт қилувчи корхоналарга молиявий кўмак бериш механизмлари яратилди.

Жаҳон бозорларида рақобат кескинлашиб бораётган шароит маҳсулотлар экспорти ҳажмини ошириш орқали янги бозорларга кириб бориш ва анъанавий бозорларда ўз ўрнини мустаҳкамлаш учун экспорт қилувчиларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кенгайтириш заруриятини юзага келтирмоқда.

Экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаш-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 7 майда эълон қилинган.

тириш, шунингдек 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 майдаги ПҚ-4337-сон «Экспорт фаолиятини молиялаштириш ва суғурта ҳимояси механизмларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорига мувофиқ жорий этилган маҳсулотларни экспорт қилишда ташиш харажатларини 50 фоизгача миқдорда компенсация қилишга субсидиялар тақдим этиш механизми маҳсулотларни автомобиль ва ҳаво транспортида экспортга ташишга ҳам татбиқ этилсин.

Экспорт қилишда автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспортида ташиш харажатларининг бир қисми компенсация қилинадиган маҳсулотлар рўйхати 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Республика ҳудудлари ва тармоқлари экспорт салоҳиятини ривожлантириш масалалари бўйича доимий фаолият юритувчи республика комиссиясига (С.У. Умурзаков) (кейинги ўринларда — Республика экспорт комиссияси) экспорт қилишда транспорт харажатларининг бир қисмини компенсация қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан субсидиялар тақдим этиладиган маҳсулотлар рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, субсидиялар тақдим этиш шартлари ва миқдорларини белгилаш ҳамда тартибини тасдиқлаш, шунингдек, маҳсулот тури, ҳажми ва экспорт йўналишига қараб субсидиянинг қатъий миқдорларини белгилаш ваколати берилсин.

Республика экспорт комиссияси бир ҳафта муддатда маҳаллий экспорт қилувчи корхоналар (уларнинг ваколатли вакиллари)га маҳсулотларни экспорт қилишда, шу жумладан 2020 йил 1 апрелдан буён амалга оширилган экспорт бўйича автомобиль, ҳаво ва темир йўл транспортида ташиш харажатларини қисман компенсация қилишга субсидиялар тақдим этиш тартибини тасдиқласин.

3. Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан экспорт операциялари бўйича олиб ўтиладиган товарларнинг божхона расмийлаштирувини амалга оширишда жисмоний ва юридик шахсларга нисбатан жорий қилинган барча турдаги мажбурий тўловлар ва ижро ҳужжатлари бўйича қарздорлиги мавжудлигини текшириш амалиёти 2021 йил 1 январга қадар бекор қилинсин.

4. Белгилансинки, экспорт қилувчилар гаров сифатида суғурта хизматларидан фойдаланганда суғурта мукофотини қоплашга Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан компенсациялар тақдим этилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Экспортни рағбатлантириш агентлигининг харажатлари учун асосланган ҳисоб-китоблар бўйи-

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ча 2020 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан зарур маблағлар ажратсин ва 2021 йилдан ҳар йили зарур бюджет маблағларини назарда тутсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги бир ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 7 май,
ПҚ-4707-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2020 йил 7 майдаги
ПҚ-4707-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
ҳужжатларига киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 майдаги «Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4335-сон қарори 4-бандининг «а» кичик бандидан ««Ўзстандарт» агентлигининг асослантирилган ҳисоб-китобларига мувофиқ» сўзлари чиқариб ташлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 майдаги «Экспорт фаолиятини молиялаштириш ва суғурта ҳимояси механизмларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4337-сон қарорида:

а) 3-бандда:

биринчи хатбоши «иловадаги рўйхатга мувофиқ маҳсулотларни экспорт қилишда темир йўл транспортида» сўзлари «автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспортида» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбоши «татбиқ этилмайдиган» сўзларидан кейин «Афғонистон Ислом Республикасига экспорт қилинадиган маҳсулотлар ва» сўзлари билан тўлдирилсин;

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

б) илова ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 июлдаги «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4406-сон қарори 7-бандининг «а» кичик бандидан «Ўзстандарт» агентлигининг асослантирилган ҳисоб-китобларига мувофиқ» сўзлари чиқариб ташлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 декабрдаги «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4549-сон қарорига илованинг 4-банди ўз кучини йўқотган деб топилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 январдаги «Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4576-сон қарорига 2-илованинг 1-банди ўз кучини йўқотган деб топилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

192 Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбир- лари тўғрисида*

Мамлакатимизда математика 2020 йилдаги илм-фанни ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди. Ўтган давр ичида математика илм-фани ва таълимини янги сифат босқичига олиб чиқишга қаратилган қатор тизимли ишлар амалга оширилди:

биринчидан, илғор илмий марказларда фаолият юритаётган ватандош математик олимларнинг таклиф қилиниши ва халқаро илмий-тадқиқотлар олиб борилиши учун зарур шарт-шароит яратилди;

иккинчидан, халқаро фан олимпиадаларида ғолиб бўлган ёшларимиз ва уларнинг мураббий устозлари меҳнатини рағбатлантириш тизими жорий этилди;

учинчидан, олий таълим ва илмий-тадқиқотларнинг ўзаро интеграциялашувини таъминлаш мақсадида Талабалар шаҳарчасида Фанлар академиясининг В.И. Романовский номидаги Математика институтининг (кейинги ўринларда — Институт) янги ва замонавий биноси барпо этилди. Математика соҳасидаги фундаментал тадқиқотларни молиялаштириш ҳажми бир

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 8 майда эълон қилинган.

ярим баробарга оширилди, бюджет маблағлари ҳисобидан суперкомпьютер, замонавий техника ва асбоб-ускуналар харид қилинди;

тўртинчидан, илмий даражали кадрларни тайёрлашнинг бирламчи босқичи сифатида стажёр-тадқиқотлик институти жорий этилди;

бешинчидан, илм-фан соҳасидаги устувор муаммоларни тезкор барта-раф этиш, фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини кучайтириш масаласини Ҳукумат даражасида белгилаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири раисилигида Фан ва технологиялар бўйича республика кенгаши ташкил этилди.

Шу билан бирга, соҳада ечимини топмаган қатор масалалар математика соҳасидаги таълим сифати ва илмий-тадқиқот самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш заруратини кўрсатмоқда. Жумладан:

биринчидан, математика таълимотининг таълим олиш босқичлари ўртасидаги узвийлик тўлиқ таъминланмаган;

иккинчидан, умумтаълим мактабларида математика дарсликлари ўқувчиларнинг ёшига нисбатан фанни ўзлаштиришни қийинлаштирувчи мураккаб масалалардан иборат ва бошқа фанларда ўтиладиган мавзулар билан уйғунлаштирилмаган;

учинчидан, математикага қизиқувчан, халқаро олимпиадалар ғолиблари бўлган аксарият иқтидорли ёшларимиз ҳудудлардан бўлишига қарамасдан уларнинг келгуси ривожланиши учун олий таълим ва илм-фан соҳасида зарур шарт-шароит яратиб берилмаган;

тўртинчидан, математика соҳасидаги илмий-тадқиқотнинг амалиёт ва ишлаб чиқариш билан боғлиқлиги заифлигича сақланиб қолмоқда;

бешинчидан, соҳадаги олимларнинг хорижий илмий ва таълим муассасалари билан алоқалари миллий математикани жаҳон миқёсига олиб чиқиш, халқаро ҳамжамиятда нуфузини ошириш учун етарли эмас.

Таълимнинг барча босқичларида математика фанини ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш, педагогларнинг самарали меҳнатини қўллаб-қувватлаш, илмий-тадқиқот ишларининг кўламини кенгайтириш ва амалий аҳамиятини ошириш, халқаро ҳамжамият билан алоқаларни мустаҳкамлаш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш, илмий-тадқиқотларни ривожлантириш ва илмий ишланмаларни амалиётга жорий қилишнинг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал, олий таълим ташкилотлари ва илмий муассасалар ўртасидаги яқин ҳамкорликни таъминловчи яхлит тизимни шакллантириш;

илғор хорижий тажриба асосида мактабгача ёшдаги болаларда илк математик тасаввурларни шакллантириш бўйича замонавий педагогик технологияларни жорий қилиш;

умумий ўрта ва ўрта махсус таълим муассасаларида математика фанларини ўқитиш сифатини ошириш, ҳудудларда математика фанига ихтисослаштирилган мактаблар фаолиятини ривожлантириш ҳамда янги мактабларни ташкил этиш;

математика фани бўйича кадрларни, хусусан қишлоқ жойлардаги мактабларнинг кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини ривожлантириш, математика фани бўйича дарсликлар ва ўқув қўлланмаларни такомиллаштириш;

иқтидорли ёшларни аниқлаш ҳамда уларнинг математика фани бўйича маҳаллий ва халқаро фан олимпиадаларида муваффақиятли иштирок этишини ҳамда совринли ўринларни эгаллашини таъминлаш;

таълим беришнинг онлайн платформасини яратиш ва амалиётга татбиқ этиш, масофадан ўқитиш тизими самарадорлигини ошириш, баҳолаш тизимининг шаффофлигини таъминлаш механизмларини жорий қилиш;

Математика фанини билиш даражасини баҳолаш бўйича миллий сертификатлаштириш тизимини жорий қилиш, олий таълимнинг тегишли йўналишлари ва мутахассисликларида математика фани бўйича машғулотларни кўпайтириш ҳамда таълим бериш сифатини ошириш;

математика соҳасидаги илмий-тадқиқотларнинг ишлаб чиқариш билан узвий боғлиқлигини таъминлаш, амалий математикани ривожлантириш ва иқтисодиёт тармоқларидаги муаммоларни моделлаштириш асосида математик ечимларни ишлаб чиқиш;

математика соҳасида таълим олаётган ва илмий-тадқиқотлар билан шуғулланаётган иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, чет элдаги олий таълим муассасалари ҳамда илмий ташкилотлар билан алоқаларни ривожлантириш;

мамлакатимизнинг илмий ва таълим ташкилотларини босқичма-босқич жаҳоннинг математика фани бўйича етакчи илмий марказлари даражасига етказиш.

2. 2020 — 2023 йилларда Ўзбекистон Республикасида математика фанлари бўйича таълим сифатини яхшилаш, илмий-тадқиқотларнинг натижадорлиги ва амалий аҳамиятини оширишнинг мақсадли дастури 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Фанлар академияси ва Инновацион ривожланиш вазирлигининг ҳар бир туманда (шаҳарда) математика фанини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактабларни (кейинги ўринларда — Ихтисослаштирилган мактаблар) босқичма-босқич ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги 2020 йил 1 ноябрга қадар Ихтисослаштирилган мактабларни ташкил этиш бўйича манзилли дастурни ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Белгилансинки, Ихтисослаштирилган мактабларда:

мактаб директори тегишли туман (шаҳар) ҳокимининг иқтисодий ва

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

бошқарув жараёнларига математик усуллар ва моделларни жорий қилиш масалалари бўйича маслаҳатчиси ҳисобланади;

мактаб директори Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан Институт директори билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

математика фани чуқурлаштирилиб ўқитиладиган синфлар босқичма-босқич, мавжуд эҳтиёж ва ўқувчиларнинг қобилиятидан келиб чиқиб ташкил этилади;

ўқувчилар белгиланган тартибда танлов асосида саралаб олинади;

математика фани чуқурлаштирилиб ўқитиладиган синф битирувчилари тегишли олий таълим муассасаларининг математика таълим йўналишларига улар учун белгиланган мақсадли параметрлар бўйича ўқишга қабул қилинади.

5. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда уч ой муддатда:

Ихтисослаштирилган мактабларнинг низомларини, мазкур мактабларда математика фани ўқитувчиларини танлов асосида ишга қабул қилиш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

2021 йил 1 сентябрдан бошлаб Ихтисослаштирилган мактаблар раҳбар кадрлари (директор ва ихтисослашган фан бўйича директор ўринбосари) ва математика фани ўқитувчиларининг базавий тариф ставкасига нисбатан 50 фоиз миқдорида ҳар ойлик устама ҳақ тўлаш тартибини назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ихтисослаштирилган мактабларда Институт ва олий таълим муассасаларининг юқори малакали профессор-ўқитувчиларини жалб қилган ҳолда масофавий таълим орқали дарс машғулотларини ўтказиш чораларини кўрсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази Фанлар академияси ва «Ўзстандарт» агентлиги билан биргаликда 2021 йил 1 январга қадар Математика фанини билиш даражасини баҳолаш бўйича миллий сертификатлаш тизимини (кейинги ўринларда — Миллий сертификатлаш тизими) жорий қилсин.

8. Миллий сертификатлаш тизими доирасида қуйидагилар белгилансин:

математикани билиш даражасини баҳолаш ва бу тўғрисида миллий малака сертификатини (кейинги ўринларда — миллий сертификат) бериш ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан амалга оширилади;

математикани билиш даражасини баҳолаш табақалаштирилган ҳолда амалга оширилади;

имтиёз бериладиган даражадаги миллий сертификатга эга абитуриент давлат олий таълим муассасасига ўқишга киришда математика фанидан тест синови топширишдан озод этилади ва унга математика фани учун белгиланган максимал балл берилади;

2021 йил 1 сентябрдан бошлаб Ихтисослаштирилган мактабларнинг математика фани бўйича ўқитувчилари тегишли даражадаги миллий сертификатга эга бўлишлари мажбурий ҳисобланади;

Миллий сертификатлаш тизими учун тест топшириқлари базасини шакллантириш ва мунтазам янгилаб боришда эксперт сифатида Институт илмий ходимлари жалб қилинади;

миллий сертификатнинг тегишли даражасига эга математика фани ўқитувчиларига (Ихтисослаштирилган мактабларнинг математика фани ўқитувчиларидан ташқари) улар фаолият олиб бораётган давлат таълим муассасасининг жойлашувига қараб базавий тариф ставкасига нисбатан 25 фоиздан 50 фоизгача ҳар ойлик устама ҳақ тўланади.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан бирга-ликда илмий фаолиятга доир давлат дастурига ажратилган маблағлар ҳисобидан 2021 йил 1 январга қадар Миллий сертификатлаш тизимининг он-лайн платформасини ишлаб чиқсин ва жорий этсин.

10. Институт таркибида 5 та штат бирлигидан иборат Математика таълими бўйича ўқув-услубий материалларни мувофиқлаштириш лабораторияси ташкил этилсин.

Белгилансинки, «Математика таълими бўйича ўқув-услубий материалларни мувофиқлаштириш» лабораторияси фаолиятини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан Институтни сақлаш учун ажратилган маблағлар доирасида амалга оширилади.

11. 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ давлат таълим муассасаларида қўлланиладиган математика фани бўйича дарсликлар ва ўқув қўлланмаларни ишлаб чиқишда мажбурий тартибда Институтнинг эксперт хулосаси олинади.

12. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2020 йил 1 сентябрга қадар:

математика бўйича билим, малака ва кўникмалар талаб этиладиган таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг ўқув режаларида математика фани учун ажратилган соатлар ҳажмини ошириш;

кадрлар истеъмолчилари мутахассисларини жалб этган ҳолда битирувчиларда соҳага оид математика бўйича амалий билим, малака ва кўникмаларни шакллантириш ҳамда ривожлантиришга қаратилган лойиҳа ишларини амалга ошириш;

кадрларни интегратив фанлараро тайёрлаш мақсадида математика таълим йўналишларида қўшимча фанларни (биология, геология, кимё, физика ва бошқалар) жорий қилиш чораларини кўрсин.

13. Институт ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Математика фани ва таълимини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Жамғарма фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида Институт

тузилмасида Жамғарма маблағлари ҳисобидан сақланадиган 2 штат бирлигидан иборат Математика фани ва таълимини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларини бошқариш гуруҳи ташкил этилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Фанлар академиясининг математика соҳасидаги фундаментал ва амалий илмий изланишлари натижаларига кўра амалиётдаги муайян муаммонинг ечимини таклиф этган олимларни мукофотлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Муҳаммад Ал-Хоразмий номидаги халқаро мукофотини (кейинги ўринларда — Мукофот) таъсис этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

15. Белгилансинки:

Мукофот билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар тақдирланади;

Мукофот икки йилда бир марта Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Фан ва технологиялар бўйича республика кенгашининг таклифига кўра унга йўналиш (фундаментал соҳадаги тадқиқот, ёшлар ўртасидаги тадқиқот ва иқтисодиётнинг реал секторидаги муаммонинг ечимини таъминлаган тадқиқот) бўйича берилади;

хар бир йўналиш бўйича Мукофот совриндорларига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 50 минг АҚШ доллари эквивалентидаги пул мукофоти берилади;

Фан ва технологиялар бўйича республика кенгашида Мукофот номзодларини кўриб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг тавсияномасига кўра амалга оширилади;

тақдирлаш учун номзодлар бўйича таклифлар Ўзбекистон математика жамияти томонидан ўтказиладиган доимий кузатувлар асосида шакллантирилади ва Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигига тақдим этилади;

Мукофот совриндорига пул мукофотини тўлаш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш 2021 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Инновацион ривожланиш вазирлигига ажратиладиган маблағлар доирасида амалга оширилади.

16. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги Молия вазирлиги ва Фанлар академияси билан биргаликда икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Муҳаммад Ал-Хоразмий номидаги халқаро мукофоти билан тақдирлаш тартибини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

17. Қорақалпоғистон Республикасида, Бухоро, Наманган, Самарқанд ва Хоразм вилоятларида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг В.И. Романовский номидаги Математика институтининг ҳудудий бўлинмалари (кейинги ўринларда — ҳудудий бўлинмалар) ташкил этилсин ҳамда уларнинг намунавий штат жадвали 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

18. Белгилаб қўйилсинки:

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

худудий бўлинмалар ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича харажатларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан Институтни сақлаш учун ажратилган маблағлар доирасида амалга оширилади;

худудий бўлинмалар жойлаштирилган бино ва иншоотларни сақлаш ҳамда коммунал тўловлар бўйича харажатларни қоплаш тегишли олий таълим муассасасининг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

худудий бўлинмалар юридик шахс ҳисобланмайди ва Институтнинг таркибидаги илмий бўлинмалари сифатида фаолият юритади;

хар бир худудий бўлинма таркибида бир штат бирлигидан иборат, 2021 йилда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан сақланадиган ва 2022 йилдан бошлаб тўлиқ хўжалик ҳисобига ўтказиладиган Ўқув марказлари фаолият юритади;

худудий бўлинмаларнинг раҳбарлари Институт директори томонидан тегишли олий таълим муассасасининг ректори билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

худудий бўлинмаларнинг илмий-тадқиқот ишлари Институтнинг иш режаси ва илмий-тадқиқот ишлари доирасида амалга оширилади.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Фанлар академиясининг Институт ҳузурида қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳолда математика ихтисосликлари бўйича фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини берувчи илмий кенгашни (кейинги ўринларда — илмий кенгаш) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

20. Институт раҳбарияти илмий кенгаш аъзоларининг ярмидан кўпи Институтда фаолият юритишини, шу жумладан, ўриндошлик асосида жалб этилишини ҳамда изланувчиларнинг диссертацияларига илмий раҳбарлик ва маслаҳатчилик қилишини таъминласин.

21. Белгилаб қўйилсинки:

изланувчининг диссертацияларини илмий семинар ва илмий кенгаш йиғилишларида кўриб чиқиш ҳамда муҳокама қилиш санаси илмий кенгаш томонидан белгиланади;

изланувчига тегишли илмий даражани бериш тўғрисидаги қарор илмий кенгаш томонидан қабул қилинади;

илмий кенгаш изланувчига диссертацияни муваффақиятли ҳимоя қилган куннинг ўзида давлат намунасидаги илмий даража бўйича дипломни бериш ваколатига эга;

илмий кенгашнинг таркиби Институт кенгаши тавсиясига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси билан келишилган ҳолда Институт кенгаши қарори билан тасдиқланади.

22. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Давлат

активларини бошқариш агентлиги Институт учун Тошкент шаҳар Олмазор тумани Университет кўчасида янги қурилган бинони Институтга оператив бошқарув ҳуқуқи асосида беғараз ўтказиб берилишини таъминласин.

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 июлдаги «Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг В.И. Романовский номидаги Математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4387-сон қарорига 3-иловага* мувофиқ ўзгартириш киритилсин.

24. «Ўзбеккино» Миллий агентлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Молия вазирлиги ва Фанлар академияси математика соҳасидаги таниқли олимлар ҳақида туркум бадий ва ҳужжатли фильмларни суратга олиш чораларини кўрсин.

25. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 7 май,
ПҚ-4708-сон

* 3-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТРАНСПОРТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

193 **Ўзбекистон Республикасида автотранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан шуғулланувчи таълим муассасаларини битирган ҳайдовчиликка номзодларга бериладиган ягона намунадаги гувоҳномани бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 2 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1652-3

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги «Жаҳон банки ва халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4160-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим маркази ва Ички ишлар вазирлигининг 2006 йил 27 декабрдаги 6, 48/ҚБ, 11-сон қарори (рўйхат рақами 1652, 2007 йил 9 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 1-2-сон, 18-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида автотранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан шуғулланувчи таълим муассасаларини битирган ҳайдовчиликка номзодларга бериладиган ягона намунадаги гувоҳномани бериш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 2 майда эълон қилинган.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Транспорт вазири**Э. ГАНИЕВ**

Тошкент ш.,
2020 йил 25 март,
4-сон

**Олий ва ўрта махсус
таълим вазири****И. МАДЖИДОВ**

Тошкент ш.,
2020 йил 25 март,
9-2020-сон

Ички ишлар вазири**П. БОБОЖОНОВ**

Тошкент ш.,
2020 йил 25 март,
21-сон

Ўзбекистон Республикаси
Транспорт вазирлиги, Олий ва ўрта
махсус таълим вазирлиги ва Ички ишлар
вазирлигининг 2020 йил 25 мартдаги
4, 9-2020, 21-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасида автотранспорт
воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш
билан шуғулланувчи таълим муассасаларини битирган
ҳайдовчиликка номзодларга бериладиган ягона намунадаги
гувоҳномани бериш тартиби тўғрисидаги низомга
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 4 — 8-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4. Имтиҳонлар натижаси ҳақида имтиҳон комиссияси раиси ва аъзолари томонидан баённома тўлдирилади, сўнгра таълим муассасаси раҳбари томонидан имзоланади.

5. Гувоҳнома бланкалари Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг (кейинги ўринларда матнда — вазирлик) Автомобиль транспорти ходимларини малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти (кейинги ўринларда матнда — институт) буюртмаси асосида тайёрланади.

6. Гувоҳнома бланкалари институтнинг тақсимотига асосан, таълим

муассасаларига «махсус ҳудудий код»лар асосида вазирликнинг ҳудудий бошқармалари томонидан етказиб берилади (мазкур Низомнинг 2-ило-
васи).

7. Гувоҳномалар таълим муассасаси буюртмаларига асосан институт томонидан таъминланади.

Институт буюртмасига асосан гувоҳномалар «Давлат белгиси» бир-
лашмасининг Тошкент шаҳар босма фабрикасида босма усулда тайёрла-
нади.

8. Гувоҳноманинг ташқи кўринишида Ўзбекистон Республикасининг
Давлат герби ифодаланади, ички кўринишида эса, гувоҳноманинг ҳудудий
коди, серияси ва рўйхат рақами, таълим муассасасининг номи, номзоднинг
фамилияси, исми, отасининг исми, ўқиш муддати, ўқув дастурининг номи,
имтиҳон топширган фанларнинг номи, имтиҳон натижасига кўра олган ба-
ҳоси ҳамда берилган ҳайдовчилик гувоҳномасининг серияси ва рўйхат ра-
қами ёзилади.».

2. 1-илова мазкур ўзгартиришларнинг иловасига* мувофиқ таҳрирда баён
этилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING ҚАРОРИ

194 Солиқ тўловчиларини қўшилган қиймат солиғи тўлов- чилари сифатида махсус рўйхатдан ўтказиш тарти- би тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
2 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3232*

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, «Давлат солиқ хизмати
тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2019 йил 10 июлдаги ПҚ-4389-сон «Солиқ маъмуриятчилигини такомил-
лаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ
Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Солиқ тўловчиларини қўшилган қиймат солиғи тўловчилари сифа-
тида махсус рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом иловага муво-
фиқ тасдиқлансин.

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

** Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 2 май-
да эълон қилинган.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

Раис

Б. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 31 март,
2020-11-сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил
31 мартдаги 2020-11-сон қарорига
ИЛОВА

**Солиқ тўловчиларини қўшилган қиймат солиғи
тўловчилари сифатида махсус рўйхатдан ўтказиш
тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги ПҚ-4389-сон «Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ қўшилган қиймат солиғи солиқ тўловчиларини (бундан буён матнда солиқ тўловчилар деб юритилади) солиқ органларида қўшилган қиймат солиғи тўловчилари сифатида махсус рўйхатдан ўтказиш (бундан буён матнда рўйхатдан ўтказиш деб юритилади) тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Солиқ тўловчиларни солиқ органларида рўйхатдан ўтказиш қўшилган қиймат солиғи тўловчиларининг ягона автоматлаштирилган тизимида (бундан буён матнда тизим деб юритилади) ҳисобга олиш орқали амалга оширилади.

2. Солиқ тўловчилар солиқ органларида қўшилган қиймат солиғининг тўловчиси сифатида рўйхатдан ўтадилар ва бу қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳисобга олишнинг шarti ҳисобланади.

2-боб. Солиқ тўловчиларни рўйхатдан ўтказиш

1-§. Рўйхатдан ўтказиш учун мурожаат қилиш

3. Солиқ тўловчилар қўшилган қиймат солиғи тўловчилари сифатида солиқ органларида мажбурий ва ихтиёрий тартибда рўйхатдан ўтказилади.

4. Қуйидаги солиқ тўловчилар мажбурий тартибда рўйхатдан ўтказилади:

товарларни реализация қилишдан олинган даромади Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида белгиланган солиқ даврида 1 миллиард сўмдан ошган юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида товарларни (хизматларни) реализация қилувчи чет эл юридик шахслари, агар товарларни (хизматларни) реализация қилиш жойи деб Ўзбекистон Республикаси эътироф этилса;

фаолиятни Ўзбекистон Республикасида доимий муассасалар орқали амалга оширувчи чет эл юридик шахслари;

оддий ширкат шартномаси (биргаликдаги фаолият тўғрисидаги шартнома) доирасида амалга ошириладиган фаолият бўйича — оддий ширкатнинг ишларини юритиш вазифаси зиммасига юклатилган ишончли шахс — оддий ширкатнинг иштирокчиси;

Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтувчи (импорт) юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар;

акциз солиғи тўланадиган товарларни (хизматларни) ишлаб чиқарувчи юридик шахслар ва (ёки) фойдали қазилмаларни кавлаб олишни амалга оширувчи шахслар;

юридик шахслар — қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари, башарти уларда эллик гектар ва ундан ортиқ суғориладиган қишлоқ хўжалиги экин майдони мавжуд бўлса ёки пахта хом ашёсини ишлаб чиқарувчилар;

бензин, дизель ёқилғиси ва газни реализация қилишни амалга оширувчи юридик шахслар;

лотереяларни ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик шахслар;

бўш турган бинолар, яшаш учун мўлжалланмаган иншоотлар ва қурилиши тугалланмаган объектлар, шунингдек фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларининг мулкдори бўлган юридик шахслар, улардан самарасиз фойдаланилаётганлиги бўйича қонунда белгиланган тартибда хулоса киритилганда;

марказлаштирилган молиялаштириш манбалари ҳисобидан объектларни (жорий ва капитал таъмирлаш бундан мустасно) қуришни бажарувчи юридик шахслар.

5. Қуйидаги солиқ тўловчилар ихтиёрий тартибда рўйхатдан ўтказилади: янги ташкил этилаётган юридик шахслар;

мажбурий тартибда қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлмаган юридик шахслар;

солиқ даврида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромади 100 миллион сўмдан ошган, бироқ 1 миллиард сўмгача бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар.

6. Солиқ тўловчини мажбурий равишда рўйхатдан ўтказиш солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали мазкур Низомнинг 1-иловасига* мувофиқ

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

шаклда тақдим этилган аризасига асосан, у ҳисобга қўйилган жойдаги солиқ органи томонидан амалга оширилади, бунда ариза солиқ тўловчининг қўшилган қиймат солиғи тўлашга ўтиши керак бўлган ойнинг 5-санасидан кечиктирмасдан тақдим этилиши керак.

7. Юридик шахсни ихтиёрий равишда рўйхатдан ўтказиш солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали мазкур Низомнинг 2-иловасига* мувофиқ шаклда тақдим этилган аризасига асосан, у ҳисобга қўйилган жойдаги солиқ органи томонидан амалга оширилади, бунда ариза қўшилган қиймат солиғи тўлашга ўтиладиган ойнинг биринчи санаси бошлангунга қадар юборилиши зарур.

8. Солиқ даврида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромади 100 миллион сўмдан ошган, бироқ 1 миллиард сўмгача бўлган якка тартибдаги тадбиркорларни ихтиёрий равишда рўйхатдан ўтказиш солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклда тақдим этилган аризасига асосан, у ҳисобга қўйилган жойдаги солиқ органи томонидан амалга оширилади, бунда ариза якка тартибдаги тадбиркорнинг даромадлари белгиланган суммадан ошган санадан 5 кундан кечиктирмай тақдим этилиши лозим.

9. Солиқ тўловчи томонидан солиқ органига солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали ариза юборилган сана аризанинг тақдим этилган санаси деб ҳисобланади.

10. Қўшилган қиймат солиғи ва фойда солиғи тўлашни танлаган янги ташкил этилаётган юридик шахслар, давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан, тадбиркорлик субъектини — юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 февралдаги 66-сон қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 5-иловасига* мувофиқ шаклда тақдим этилган аризасига асосан рўйхатдан ўтказилади.

2-§. Рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилган муурожаатларни кўриб чиқиш

11. Солиқ органлари томонидан солиқ тўловчининг рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги аризаси келиб тушган кундан эътиборан беш кун ичида солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан кўриб чиқилади ва солиқ тўловчини қўшилган қиймат солиғи тўловчиси сифатида тизимда рўйхатдан ўтказиш ҳақида қарор қабул қилинади.

12. Солиқ тўловчини рўйхатдан ўтказиш вақтида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси (бундан буён матнда Давлат солиқ қўмитаси деб юритилади) томонидан солиқ органига тақдим этилган рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги ариза ва солиқ органининг рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги қарори асосида мазкур Низомнинг 3-иловасига* мувофиқ шаклда солиқ

* 2 — 5-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тўловчига рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси (бундан буён матнда гувоҳнома деб юритилади) расмийлаштирилади.

13. Солиқ тўловчи тизимда рўйхатдан ўтказилганидан сўнг, унга тизим орқали автоматик равишда қўшилган қиймат солиғи рўйхат рақами берилади ва гувоҳномада кўрсатилади.

Солиқ тўловчи қўшилган қиймат солиғи рўйхат рақамини ҳисобварақ-фактурада ёки унинг ўрнини босувчи бошқа ҳужжатда кўрсатиши шарт.

14. Солиқ тўловчи рўйхатдан ўтказилган санадан бошлаб бир иш кунидан кечиктирмай Давлат солиқ қўмитаси томонидан солиқ тўловчининг шахсий кабинетига электрон шаклдаги гувоҳнома юборилади.

3-боб. Солиқ тўловчиларни қайта рўйхатдан ўтказиш

15. Юридик шахсининг номи, якка тартибдаги тадбиркорнинг Ф.И.О. ўзгарган тақдирда, солиқ тўловчи қўшилган қиймат солиғи тўловчиси сифатида қайта рўйхатдан ўтказилади, бунда солиқ тўловчининг қайта рўйхатдан ўтказилиши Давлат хизматлари марказидан келиб тушган маълумотлар асосида солиқ органлари маълумотлар базасига тегишли ўзгартиришлар киритиш йўли билан тизимда автоматик тарзда амалга оширилади.

16. Солиқ тўловчини қайта рўйхатдан ўтказиш, солиқ тўловчи ҳамда унинг контрагентлари томонидан қўшилган қиймат солиғининг ҳисобланишига таъсир қилмайди ва қўшилган қиймат солиғи рўйхат рақамининг ўзгаришига олиб келмайди.

17. Солиқ тўловчининг қайта рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақидаги маълумот бир иш кuni ичида солиқ органи томонидан солиқ тўловчининг шахсий кабинетига юборилади.

4-боб. Солиқ тўловчиларни рўйхатдан чиқариш

18. Солиқ органлари томонидан қўйидаги ҳолларда солиқ тўловчининг рўйхатдан чиқарилиши тўғрисидаги қарор қабул қилинади:

юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркорнинг фаолияти тугатилган тақдирда, солиқ органлари томонидан Тадбиркорлик субъектларини ягона давлат реестрига киритилган маълумотлар асосида;

солиқ текширувлари ўтказиш жараёнида банк операцияларининг хўжалик юритувчи субъект фаолияти хусусиятига ва турига, шунингдек харид қилинадиган ва реализация қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) номенклатурасига мувофиқ эмаслиги аниқланган тақдирда;

солиқ текшируви жараёнида, солиқ тўловчи томонидан битим тузишда кўзланган асосий мақсад қўшилган қиймат солиғини тўламаслик ёки уни ҳисобга олиш эканлиги ҳамда битим (операция) бўйича мажбурият шартнома тарафи бўлмаган шахс ёки битимни (операцияни) бажариш мажбурияти шартнома ёки қонун бўйича юклатилмаган шахс томонидан бажарилганлиги аниқланган тақдирда;

агар, сўнгги календарь йил давомида солиқ тўловчисининг солиқ солинадиган айланмаси ҳажми 1 миллиард сўмдан ошмаган бўлса ихтиёрий тартибда рўйхатдан чиқарилади, бунда солиқ тўловчининг солиқ солинадиган айланмаси ҳажми 1 миллиард сўмдан ошмаган тақдирда, йил тугаганидан кейин беш кун ичида, солиқ тўловчи томонидан ихтиёрий тартибда рўйхатдан чиқариш тўғрисида мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ электрон шаклдаги ариза тақдим этади;

солиқ тўловчи суд томонидан сохта тадбиркорлик билан шуғулланганлиги эътироф этилган тақдирда, сохта тадбиркорлик билан шуғулланиш ҳолатлари аниқланганлиги тўғрисидаги суднинг қарори кучга кирган тақдирда.

19. Солиқ тўловчи 18-банднинг учинчи ва тўртинчи хатбошиларида келтирилган ҳолатлар бўйича солиқ тўловчининг рўйхатдан чиқарилиши ҳақидаги солиқ органининг қароридан норози бўлган тақдирда, ушбу қарор устидан белгиланган тартибда судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

20. Солиқ тўловчининг рўйхатдан чиқарилганлиги тўғрисида қарор солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан бир кун ичида, солиқ тўловчи суд томонидан сохта тадбиркорлик билан шуғулланганлиги эътироф этилган тақдирда, сохта тадбиркорлик билан шуғулланиш ҳолатлари аниқланганлиги тўғрисидаги суднинг қарори кучга кирган кундан бошлаб уч иш куни ичида қабул қилинади. Қарорда солиқ тўловчининг рўйхатдан чиқарилган санаси кўрсатилиши шарт.

21. Солиқ тўловчиларнинг рўйхатдан чиқарилганлиги ҳақидаги ахборот Давлат солиқ қўмитасининг расмий веб-сайтида эълон қилинади ва бир кун ичида солиқ тўловчининг шахсий кабинетига юборилади.

5-боб. Қўшилган қиймат солиғи тўловчиларининг реестрини юритиш

22. Давлат солиқ қўмитаси томонидан қўшилган қиймат солиғи тўловчиларининг ҳисобининг юритилишини таъминлаш мақсадида Қўшилган қиймат солиғи тўловчиларининг ягона реестри (бундан буён матнда реестр деб юритилади) юритилади.

23. Реестрга қуйидаги маълумотлар киритилади:

қўшилган қиймат солиғи тўловчининг рўйхат рақами;

юридик шахс раҳбарининг Ф.И.О., юридик шахс номи, якка тартибдаги тадбиркорнинг Ф.И.О., уларнинг жойлашган жойи тўғрисидаги маълумотлар;

солиқ тўловчининг рўйхатдан ўтказилганлиги, қайта рўйхатдан ўтказилганлиги, рўйхатдан ўтказилиши бекор қилинганлиги тўғрисида маълумотлар;

солиқ тўловчининг рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги аризасида кўрсатилган маълумотлар.

24. Давлат солиқ қўмитаси реестрни шакллантириш ва юритиш билан бирга:

реестрни юритишга оид ташкилий ва методологик принципларни ишлаб чиқади;

рўйхатдан ўтказишни ташкиллаштиради;

реестр маълумотлари базасининг администратори вазифасини бажаради, хусусан, маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш, маълумотларнинг ишончлилиги ва долзарблигини назорат қилиш, уларни сақлаш ҳамда ҳимоя қилинишини назорат қилади;

реестр базасининг автоматлаштирилган тарзда юритилишини таъминлайди;

реестр маълумотларидан эркин фойдаланилишини таъминлайди.

6-боб. Якуний қоидалар

25. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

26. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

Савдо-саноат

палатаси раиси в. в. б.

И. ЖАСИМОВ

2020 йил 31 март

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТРАНСПОРТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

195 Темир йўл транспорти йўловчиларининг қўл юкини, бағажини, валютасини ва валюта бойликларини божхона назоратидан ўтказиш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 2 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3233

Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси ва «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 ноябрдаги 489-сон «Темир йўл станцияларида божхона назоратини ва назорат постларини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2012 йил 13 апрелдаги 109-сон «Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспортида йўловчилар, бағаж ва юк бағаж ташиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги ҳамда 2019 йил 18 ноябрдаги 912-сон «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларида чегара, божхона, санитария-карантин, фитосанитария ва ветеринария назоратини ташкил этиш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Молия вазирлиги, Транспорт вазирлиги ва Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Темир йўл транспорти йўловчиларининг қўл юкини, бағажини, валютасини ва валюта бойликларини божхона назоратидан ўтказиш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

М. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 20 март,
01-02/12-10-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 2 майда эълон қилинган.

Молия вазири**Т. ИШМЕТОВ**

Тошкент ш.,
2020 йил 20 март,
14-сон

Транспорт вазири**Э. ГАНИЕВ**

Тошкент ш.,
2020 йил 20 март,
7-сон

Марказий банк раиси**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,
2020 йил 20 март,
3/2-сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат божхона қўмитаси, Молия вазирлиги,
Транспорт вазирлиги ва Марказий банки
бошқарувининг 2020 йил 20 мартдаги
01-02/12-10, 14, 7, 3/2-сон қарорига
ИЛОВА

**Темир йўл транспорти йўловчиларининг қўл юкини,
багажини, валютасини ва валюта бойликларини божхона
назоратидан ўтказиш ва расмийлаштириш
тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига мувофиқ темир йўл транспортида Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасини кесиб ўтаётган вагон кузатувчилари ҳамда йўловчиларнинг қўл юки, багажи, валюта ва валюта қимматликларини божхона назоратидан ўтказиш ва расмийлаштириш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

багаж — йўловчига шахсан тегишли бўлган, унга поездда юриши тугагач зарур бўлган ва ташиш учун багаж вағонида чипта бўйича қабул қилинувчи буюмлар;

божхона назорати — Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларига риоя этилишини таъминлаш учун божхона органлари томонидан амалга ошириладиган, шу жумладан хавфни бош-

қариш тизими қўлланилган ҳолда амалга ошириладиган чора-тадбирлар мажмуи;

божхона назорати зонаси — божхона ҳудудининг божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида ташкил қилинадиган, махсус ажратиб ва белгилаб қўйилган қисми божхона назорати зонасидир;

божхона расмийлаштируви — божхона чегарасидан олиб ўтиладиган товарлар ва транспорт воситалари устидан божхона назоратини таъминлаш учун божхона органларининг мансабдор шахслари томонидан ўтказиладиган божхона операциялари мажмуи;

валюта — чет эл валютаси ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси;

валюта қимматликлари — чет эл валютаси, номинали чет эл валютасида ифодаланган қимматли қоғозлар ва тўлов ҳужжатлари, норезидентлар томонидан чиқарилган, номиналга эга бўлмаган қимматли қоғозлар, соф қуйма олтин;

йўловчи — темир йўл транспортида юришни амалга ошириш учун чиптага эга бўлган жисмоний шахс;

йўловчи божхона декларацияси — нотижорат мақсадлар учун мўлжалланган, декларацияланидиган товарларни ва транспорт воситаларини божхона чегараси орқали олиб ўтаётган жисмоний шахс томонидан тўлдириладиган ва божхона органига тақдим этиладиган ҳужжат;

йўловчи ташиш поезда — темир йўл қатнови алоқаларининг барча турларида йўловчиларни ташиш учун мўлжалланган поезд. Бунда йўловчи ташиш поезда таркибида багаж, почта ва (ёки) почта-багаж вагонлари ҳам бўлиши мумкин;

кўл юки — ўз ўлчамлари ва вазнига кўра (учта ўлчови йиғиндиси бўйича 180 см дан, қоидага кўра вазни 36 кг дан, икки ётоқ ўринли вагонлар учун эса — 50 кг дан ошмайдиган бўлиши керак) ўрам тури ва хилдан қатъи назар, енгил кўтариб юриладиган, йўловчи вагонларида уларни жойлаштириш учун мўлжалланган жойларга қийинчиликсиз жойлаштириладиган юklar ва буюмлар;

темир йўл вокзали — темир йўл станциясидаги йўловчиларга хизмат кўрсатиш, поездлар ҳаракатини бошқариш ва хизматчи ходимларни жойлаштириш учун мўлжалланган бино ёки бинолар, иншоотлар ва қурилмалар комплекси;

темир йўл станцияси — поездлар ва бошқа транспорт воситалари билан технологик операциялар (қабул қилиш ва жўнатиш, манёвр ишлари ва шу кабилар)ни, шунингдек багаж, юк багажини қабул қилиш ва тақдим этиш ҳамда йўловчиларга хизмат кўрсатиш бўйича операцияларни амалга оширувчи умумий фойдаланиш темир йўл транспорти бўлиниши;

товар — божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган ҳар қандай кўчар мол-мулк, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси, валюта қимматликлари ва бошқа қимматли қоғозлар, электр, иссиқлик энергияси

ва энергиянинг бошқа турлари, интеллектуал мулк объектлари, транспорт воситаси;

чипта — умумий фойдаланиладиган темир йўл транспортида йўловчи ташиш шартномаси тузилганлигини тасдиқловчи белгиланган намунадаги ташиш ҳужжати.

2. Темир йўл вокзаллари ва темир йўл станцияларида божхона назорати зоналари белгиланади.

Божхона назорати зонасига йўловчиларни киритиш (божхона назорати зонасидан йўловчиларни чиқариш) уларда шахсни тасдиқловчи ҳужжат ва чипта ҳамда Йўловчи божхона декларациясини тўлдириш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги йўриқномада (рўйхат рақами 2606, 2014 йил 5 август) (бундан буён матнда Йўриқнома деб юритилади) назарда тутилган ҳолларда белгиланган тартибда тўлдирилган (расмийлаштирилган) йўловчи божхона декларацияси мавжуд бўлган тақдирда қатъий равишда божхона расмийлаштирувининг белгиланган жойларида амалга оширилади.

3. Темир йўл станцияси ходимларининг божхона назорати зонасига кириши ҳамда йўловчи ташиш поездларини қабул қилиш, жўнатиш, уларни техник кўрикдан ўтказиш ва йўловчиларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган мажбуриятларини бажариши божхона органига темир йўл станцияси маъмурияти томонидан тақдим этилган ходимлар рўйхатлари асосида амалга оширилади.

Темир йўл станцияси ходимлари божхона назорати зонасига тегишли гувоҳномалар ва кўкрак белгиларини кўрсатган ҳолда хизмат йўли орқали киритилади.

4. Ўзбекистон Республикасидан жўнаб кетаётган ва Ўзбекистон Республикасига кириб келаётган йўловчилар, уларнинг қўл юки, багажи, валюта ва валюта қимматликларини божхона назоратидан ўтказиш ва расмийлаштириш божхона назорати зонасидаги махсус хоналарда (кўрикдан ўтказиш жойлари) ёки йўловчи ташиш поездларида уларнинг тўхтаб туриш вақтида амалга оширилади.

Йўловчилар, уларнинг қўл юки, багажи, валюта ва валюта қимматликларини божхона назоратидан ўтказиш ва расмийлаштириш темир йўл маъмурияти билан келишилган ҳолда темир йўл вокзаллари ёки Давлат чегарасида жойлашган темир йўл станцияларида амалга оширилиши мумкин.

5. Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 162-моддасига мувофиқ йўловчилар томонидан ишлаб чиқариш ёки тижорат мақсадлари учун мўлжалланган товарларни, шунингдек уларнинг манзилига келаётган нотижорат мақсадлардаги товарларни божхона чегараси орқали олиб ўтишда (бундан почта ва курьерлик жўнатмалари мустасно) божхона расмийлаштирувининг умумий қоидалари қўлланилади.

Йўловчилар томонидан қўл юкида ёки кузатиб борилаётган багажида нотижорат мақсадларда олиб ўтилаётган товарларнинг, шунингдек халқаро почта ва курьерлик жўнатмаларида юборилаётган шундай товарларнинг қиймати ва (ёки) миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган божсиз олиб

кириш нормаси ва акциз солиғи солинмайдиган олиб кириш нормасидан ортиқ бўлса, ортиқ қисмига нисбатан божхона тўловлари тўланади.

Мазкур банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳолларда божхона расмийлаштируви Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 247-моддасига мувофиқ амалга оширилади, бундан божхона тўловлари жисмоний шахслар томонидан товарларни декларациялашда тўланган ҳоллар мустасно.

6. Йўловчиларнинг қўл юки, багажи, валюта ва валюта қимматликларини божхона кўздан кечируви ва божхона кўриги учун мазкур Низомда белгиланган вақт меъёрларидан келиб чиққан ҳолда, божхона назорати ва расмийлаштирувидан сифатли ва ўз вақтида ўтказиш мақсадида божхона органлари темир йўл станцияси (вокзали) маъмурияти билан биргаликда ўзаро ҳаракат тартибини белгилайдилар. Бунда ушбу тартиб қуйидаги талабларни ўз ичига олиши лозим:

а) Давлат чегарасида жойлашган темир йўл станцияларида божхона назорати ва расмийлаштирувини амалга ошириш учун туриш давомийлиги божхона органлари билан келишилган ҳолда темир йўл станцияси маъмурияти томонидан белгиланади. Бунда ўтказиш пунктларида божхона назорати ва расмийлаштируви йўловчи ташиш поездининг темир йўл станциясига кириб келиши вақтида бошланиши ва унинг ҳаракатланиш графигига кўра жўнаб кетишига 5 дақиқа қолганида тугаши лозим. Бу ҳақда йўловчи ташиш поездининг бригадири ёки темир йўл вокзалларида, станцияларида ва темир йўл чипталарини сотиб олиш вақтида йўловчилар огоҳлантирилади;

б) темир йўл вокзали ходимлари ва йўловчи ташиш поезди бригадаси аъзолари божхона органлари томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида темир йўл вокзали ва йўловчи ташиш поездларида йўловчиларга келгусидаги божхона назорати ва божхона расмийлаштирувини амалга оширишнинг тартиблари (шу жумладан, бошланиш вақти) тўғрисида хабардор этиш;

в) божхона кўздан кечируви ва божхона кўриги учун белгиланган вақт меъёрлари, бунда:

битта йўловчининг қўл юки, багажи, валюта ва валюта қимматликларининг божхона кўриги, божхона кўздан кечируви ҳамда йўловчи божхона декларациясини расмийлаштириш вақти 1,5 дақиқа ичида амалга оширилади, зарур ҳолларда мазкур муддат божхона органи томонидан 5 дақиқагача узайтирилиши мумкин;

йўловчини шахсий кўрикдан ўтказиш вақти 30 дақиқа ичида;

битта багажнинг божхона кўриги ва (ёки) божхона кўздан кечируви 10 дақиқа ва алоҳида кузатиб бориладиган (багаж, почта ва (ёки) почта-багаж вагонларидаги) багажни — 30 дақиқа ичида амалга оширилади.

Божхона кўриги ва/ёки божхона кўздан кечирувининг амалга ошириш давомийлиги ҳуқуқбузарлик ҳолати аниқланганда темир йўл станцияси навбатчиси билан келишилган ҳолда узайтирилиши мумкин.

**2-боб. Йўловчилар ҳамда уларнинг қўл юкини,
багажини, валютасини ва валюта бойликларини божхона
назорати ва расмийлаштирувидан ўтказиш**

7. Йўловчиларнинг қўл юки, багажи, валютаси ва валюта қимматликларининг божхона назорати ва расмийлаштируви божхона назорати зонасида белгиланган тартибларга асосан амалга оширилади. Йўловчиларнинг қўл юклари назоратнинг техник воситалари ёрдамида текширувдан ўтказилади ҳамда божхона қонун ҳужжатларига мувофиқ божхона назоратининг соддалаштирилган шакллари қўлланилиши мумкин.

8. Йўловчиларнинг божхона назорати йўловчи божхона декларацияси (Йўриқномада тўлдирилиши мажбурий ҳисобланган ҳолларда), шахсни тасдиқловчи ҳужжат ва чипта асосида амалга оширилади. Шахсни тасдиқловчи ҳужжатсиз ҳаракатланаётган йўловчиларнинг божхона чегарасини кесиб ўтишига йўл қўйилмайди.

9. Йўловчиларнинг багажи, қўл юки ҳамда бошқа қимматликларининг расмийлаштируви тўлдирилиши мажбурий бўлган ҳолларда Йўриқномада белгиланган тартибда тўлдирилган йўловчи божхона декларацияси асосида амалга оширилади.

Йўловчи божхона декларация икки нусхада тўлдирилади ва унинг бир нусхаси божхона органида қолади, иккинчи нусхаси эса декларацияни тўлдирган йўловчига берилади.

10. Агар божхона чегараси орқали ўтаётган ва божхона назорати зонасида бўлган ҳар бир шахс божхона ҳудудига олиб кириш ёки ушбу ҳудуддан олиб чиқиш тақиқланган товарларни ёхуд божхона қонун ҳужжатларида белгиланган тартибни бузган ҳолда олиб ўтиладиган товарларни ёнида яширмоқда ва уларни ўз ихтиёри билан тақдим этмоқчи эмас, деб тахмин қилишга асослар бўлган тақдирда божхона органининг мансабдор шахси томонидан ушбу шахс шахсий кўриқдан ўтказилади.

11. Божхона назорати ва расмийлаштирувидан ўтган йўловчилар ўтиб кетаётган йўловчи ташиш поезда темир йўл станциясига келгунига қадар божхона назорати зонасида бўлади ва божхона назорати зонасини асоссиз тарк этишга йўл қўйилмайди.

12. Йўловчи ташиш поезда бригадаси аъзолари ҳамда уларнинг қўл юкини, багажини, валютасини ва валюта бойликларини божхона назорати ва расмийлаштирувидан ўтказиш мазкур Низом билан йўловчиларга нисбатан белгиланган тартибда амалга оширилади.

**3-боб. Йўловчи ташиш поездида қўл юки ва багаж
ташишнинг алоҳида қоидалари**

13. Қўл юкини йўловчилар учун мўлжалланган жойларга, шунингдек ўтиргичлар ўртасидаги ўтиш жойлари, йўлаклар, вагон майдончалари (тамбурлар)га жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

14. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг

қарорлари билан белгиланган жисмоний шахслар томонидан божхона чегараси орқали божхона тўловлари тўламасдан олиб ўтишнинг миқдор ва даврийлик нормаларидан ортиқ бўлган товарлар қўл юки ёки ёки багаж ҳисобига кирмайди ҳамда ушбу нормалардан ортиқ олиб ўтилганда мазкур товар эгасидан божхона тўловлари ундирилади.

15. Багаж йўловчининг чиптасига кўра борадиган манзилдан узоқ бўлмаган жойгача ҳамда багажни қабул қилиб олиш ва топшириш бўйича операцияларни амалга оширадиган темир йўл станциясигача ташилади.

16. Қўл юки сифатида кўздан кечиришдан ўтмаган ҳамда вагон ва йўловчиларга зарар етказиши ёки уларни ифлослантириши мумкин бўлган буюмлар, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган хавфли моддалар ва буюмлар рўйхатига киритилган буюмлар йўловчи ташилишига йўл қўйилмайди.

4-боб. Божхона назорати ва расмийлаштирувини амалга оширишда темир йўл маъмурияти ва унинг ходимларининг мажбуриятлари

17. Темир йўл маъмурияти ва ходимлари:

божхона органлари тақдим этган маълумотларга кўра Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетаётган йўловчилар учун қўл юки, багажи, валюта ва валюта қимматликларини расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги ахборот кўрсатилган эслатмалар ишлаб чиқиш ва ахборот пештахталарида жойлаштириш. Бунда, чипталарни сотиш жойларида, темир йўл вокзаллари ва темир йўл станцияларида йўловчиларни бу тўғрисида хабардор бўлишини;

йўловчиларнинг валютаси, валюта қимматликлари ва қўл юкини божхона назоратидан ўтказишни амалга ошириш учун йўловчи поездларининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 ноябрдаги 489-сон қарорининг 1-илоvasида кўрсатилган темир йўл станцияларида келишилган ҳаракат жадвалига мувофиқ йўловчи ташиш поездларининг тўхташини;

хорижга чиқиб кетаётган ва хориждан кириб келаётган темир йўл таркибини божхона кўздан кечирувидан ўтказиш учун темир йўл станцияси ёки вокзалидаги божхона назорати зонасига етказилишини;

йўловчиларнинг қўл юки ҳамда багажига асосли шубҳа туғилганда, шунингдек йўловчи поезд таркибида эгасиз (тегишли ҳужжати бўлмаган) тижорат товарлари мавжудлиги аниқланганда, бу тўғрисида божхона органи ходимлари хабардор қилинишини;

бир вақтнинг ўзида битта темир йўл станциясига икки ва ундан ортиқ поезд таркибининг кириб келиши ёки чиқиб кетишини истисно қиладиган йўловчи ташиш поездларининг ҳаракат жадвали ишлаб чиқилишини;

кўзда тутилмаган тўхташларни ва тезликнинг камайишини истисно қиладиган чораларни (бундан енгиб бўлмас куч ҳолатлари мустасно) кўришни;

йўловчи ташиш поездлари ҳаракатланганда йўловчиларнинг тушиб қолиши (чиқиб олиши) ва товарларнинг юклаб ортилишига (юклаб туширилишига) йўл қўймасликни;

темир йўл станцияси ёки темир йўл вокзалидаги божхона назорати зонасида банк хизматлари ва валюта айирбошлаш учун алоҳида хоналар ажратишни;

темир йўл вокзали ва станцияларида йўловчилар оқимидан келиб чиқиб, йўловчилар учун юк ташувчилар ва перрон назоратчилари сифатли хизмат кўрсатишини ташкиллаштиришни;

йўловчилар томонидан ташилаётган қўл юки ва багажини тортиш учун темир йўл станциялари ва вокзалларида тарозилар ўрнатилиши ҳамда ушбу тарозилардан бепул фойдаланилишини;

йўловчиларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган нормадан ортиқча қўл юкини ташиш учун йўловчи ташиш поездлари таркибига қўшимча багаж вагонлари киритилишини таъминлаши шарт.

18. Божхона органлари ҳамда темир йўл станция ва вокзаллари ходимлари йўловчилар ва йўловчиларни ташиш поезди бригадаси аъзолари томонидан мазкур Низом талабларига риоя этилишида бир-бирига кўмак бериб боради.

5-боб. Якуний қоида

19. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТРАНСПОРТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

196 Темир йўл транспортида юрувчи йўловчилар қўл юки, юки, валюта ва валюта қимматликларининг божхона назорати ва расмийлаштириш тартиби, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
2 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 619-6*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги ПФ-5505-сон «Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармониغا мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Молия вазирлиги, Транспорт вазирлиги ва Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

М. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 20 март,
01-02/12-11-сон

Молия вазири

Т. ИШМЕТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 20 март,
13-сон

Транспорт вазири

Э. ГАНИЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 20 март,
8-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 2 майда эълон қилинган.

Марказий банк раиси**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,
2020 йил 20 март,
120-В-6-сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат божхона қўмитаси, Молия вазирлиги,
Транспорт вазирлиги ва Марказий банки
бошқарувининг 2020 йил 20 мартдаги
01-02/12-11, 13, 8, 120-В-6-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 1999 йил 15 январдаги «Темир йўл транспортида юрувчи йўловчилар қўл юки, юки, валюта ва валюта қимматликларининг божхона назорати ва расмийлаштириш Тартиби» (рўйхат рақами 619, 1999 йил 5 февраль).

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2005 йил 7 июлдаги 01-02/12-17, 42, 64, 120-В-1-сон «Темир йўл транспорти йўловчиларининг қўл юкини, бағажини, валютасини ва валюта бойликларини божхона назоратидан ўтказиш ва расмийлаштириш тартибига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 619-1, 2005 йил 15 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 28-29-сон, 216-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2009 йил 18 февралдаги 01-02/12-3, 95-юр, 25, 120-В-2-сон «Темир йўл транспорти йўловчиларининг қўл юкини, бағажини, валютасини ва валюта бойликларини божхона назоратидан ўтказиш ва расмийлаштириш тартибига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 619-2, 2009 йил 25 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 9-сон, 102-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2013 йил 12 сентябрдаги 01-02/12-17, Н-7/250-13, 85, 14/9-сон «Темир йўл транспорти йўловчиларининг қўл юкини, бағажини, валютасини ва валюта бойликларини божхона назоратидан ўтказиш ва расмийлаштириш тартибига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 619-3, 2013 йил 30 сентябрь)

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 40-сон, 530-модда).

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2014 йил 10 ноябрдаги 01-02/12-23, 390-Н, 72, 619-В-4-сон «Темир йўл транспорти йўловчиларининг қўл юкини, багажини, валютасини ва валюта бойликларини божхона назоратидан ўтказиш ва расмийлаштириш тартибига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 619-4, 2014 йил 17 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 47-сон, 561-модда).

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2016 йил 28 сентябрдаги 01-02/12-35, 405-Н, 71, 120-В-5-сон «Темир йўл транспорти йўловчиларининг қўл юкини, багажини, валютасини ва валюта бойликларини божхона назоратидан ўтказиш ва расмийлаштириш тартибига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 619-5, 2016 йил 17 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 42-сон, 492-модда).

ЎЗБЕКИСТОН СТАНДАРТЛАШТИРИШ, МЕТРОЛОГИЯ ВА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ БУЙРУҒИ

197 «Техник воситаларни ўлчаш воситалари ва синаш воситалари жумласига киритиш мезонларини тасдиқ- лаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғри- сида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
7 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2829-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Метрология тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, **буюраман:**

1. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директорининг 2016 йил 15 сентябрдаги 550-сон «Техник воситаларни ўлчаш воситалари ва синаш воситалари жумласига киритиш мезонларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2829, 2016 йил

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 7 майда эълон қилинган.

3 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 40-сон, 471-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур буйруқ 2020 йил 9 октябрдан кучга киради.

Бош директор

Д. САТТАРОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 27 апрель,
43-сон

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2020 йил 2 майдан 8 майгача
бўлган маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ички ишлар вазирлигининг 2020 йил 25 мартдаги 4, 9-2020, 21-сон «Ўзбекистон Республикасида автотранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан шуғулланувчи таълим муассасаларини битирган ҳайдовчиликка номзодларга бериладиган ягона намунадаги гувоҳномани бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2020 йил 2 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1652-3.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 31 мартдаги 2020-11-сон «Солиқ тўловчиларини қўшилган қиймат солиғи тўловчилари сифатида махсус рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2020 йил 2 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3232.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Молия вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 20 мартдаги 01-02/12-10, 14, 7, 3/2-сон «Темир йўл транспорти йўловчиларининг қўл юкини, багажини, валютасини ва валюта бойликларини божхона назоратидан ўтказиш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2020 йил 2 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3233.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Молия вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 20 мартдаги 01-02/12-11, 13, 8, 120-В-6-сон «Темир йўл транспортида юривчи йўловчилар қўл юки, юки, валюта ва валюта қимматликларининг божхона назорати ва расмийлаштириш тартиби, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2020 йил 2 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 619-6.

5. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директорининг 2020 йил 27 апрелдаги 43-сон «Техник воситаларни ўлчаш воситалари ва синаш воситалари жумласига киритиш мезонларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

2020 йил 7 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2829-1.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Молия вазирлиги, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК, Марказий банк томонидан тасдиқланган Темир йўл транспортида юрувчи йўловчилар қўл юки, юки, валюта ва валюта қимматликларининг божхона назорати ва расмийлаштириш тартиби (рўйхат рақами 619, 1999 йил 5 февраль), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 619-1, 2005 йил 15 июль), (рўйхат рақами 619-2, 2009 йил 25 февраль), (рўйхат рақами 619-3, 2013 йил 30 сентябрь), (рўйхат рақами 619-4, 2014 йил 17 ноябрь), (рўйхат рақами 619-5, 2016 йил 17 октябрь).

Адлия вазирининг 2020 йил 2 майдаги 102-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директорининг «Техник воситаларни ўлчаш воситалари ва синаш воситалари жумласига киритиш мезонларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2829, 2016 йил 3 октябрь).

Адлия вазирининг 2020 йил 7 майдаги 104-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.